

Тазкия дарслари (123-дарс). Ғийбатчилар жазосиз қолмайдилар



13:00 / 13.02.2021 5158

Саккизинчи офат – ғийбат.

«Ғийбат»нинг луғатдаги маъноси бир нарсанинг кўздан тўсилишидир.

Уламолар ғийбатни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний айтади: «Ғийбат инсоннинг бор айбларини унинг йўқлигида зикр қилишдир».

Муновий уни «Ғойибнинг айбини зикр қилиш», деган.

Ғийбатнинг энг мукамал таърифи қуйидаги ҳадиси шарифда келгандир:

لَا أَقْبَهُ بِيَعْلَامَ هَلْ لَاحِلٌ وَسَرَّ أَيُّ لِي قُوهٌ نَأْنَعُهُ لَلِإِيضَرَّ رَؤْيَ رُءْيَ بَأْنَعِ
نُفْءِ لَاقٍ لُقُوقًا أَمَّيْ خَأْيَ فَنَأْنَعُ نَأْنَعُ أَرَفَأُ لِي قُوهٌ رَؤْيَ أَمَّ بَكَأَخَأْ كُرُؤْدِ
هُتَّهَبُ دَقُوقَ لُقُوقَتِ أَمَّهِي فَنُكَيِّ مَلْنِإِوُ هُتَّهَبُ غَأِ دَقُوقَ لُقُوقَتِ أَمَّهِي فَنَأْنَعُ
دُؤَادُ وَبَأْ هَأْوَرُ

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

**«Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима?» деб сўрашди. «Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг», дедилар. Шунда:
«Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи, бунга нима дейсиз?»
дейишди. «Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо
айтганинг унда бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан», деб жавоб
қилдилар.**

Ғийбатнинг ҳаром, гуноҳи кабиралардан эканини ҳамма уламолар бир овоздан таъкидлаганлар.

Ғийбат нақадар қабиҳ ва нақадар ёмон иш экани Хужурот сурасида баён қилинади:

أَتَيْتُم مَّهِيحًا مَّخَلُّكُم أَيُّ نَأْمُ كُدَحَأُ بَحْيَأُ أَضْعَبُ مُكُضْعَبُ بَتُّعَيِّ الْو
مِّي حُرُّ بَأَوْتِ هَلْ لَأْنِ هَلْ لَأْ أَوْقَاتِ أَوْ هَوْمُ تَوْرَكَفِ

«Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Бирортангиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир» (12-оят).

مَلَسَ وَهَيْلَعُهُ لَلِإِيضَرَّ رَؤْيَ رُءْيَ بَأْنَعِ لَقُوقًا أَمَّيْ خَأْيَ فَنَأْنَعُ نَأْنَعُ أَرَفَأُ لِي قُوهٌ رَؤْيَ أَمَّ بَكَأَخَأْ كُرُؤْدِ
هُتَّهَبُ دَقُوقَ لُقُوقَتِ أَمَّهِي فَنُكَيِّ مَلْنِإِوُ هُتَّهَبُ غَأِ دَقُوقَ لُقُوقَتِ أَمَّهِي فَنَأْنَعُ
دُؤَادُ وَبَأْ هَأْوَرُ

Абу Барза Асламийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки уларнинг камчилигини қидирса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни уйда шарманда қилади», дедилар».

Ғийбатчига қулоқ солган киши унинг шериги ҳисобланади. Фақат унинг гапини тили билан инкор қилсагина, гуноҳидан қутулади. Агар очиқ инкор қилишдан қўрқса, қалби ила инкор қилсин ва гапни бошқа тарафга буришга ёки туриб кетишга ҳаракат қилсин.

«Руҳий тарбия» китобидан